

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.Т.03.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАХМОНОВ ХУСНИДДИН ЗАКИРХАНОВИЧ

**МАШИНАСОЗЛИК ДЕТАЛЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН 3D
АСОСИДА СИФАТЛИ КУЙМАЛАР ОЛИШ**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси
(Қуймачилик ва металларга ишлов бериш йўналиши бўйича)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент- 2019

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical
sciences**

Абдурахмонов Хусниддин Закирханович
Машинасозлик деталларини тайёрлаш учун 3D асосида сифатли куймалар
олиш.....3

Абдурахмонов Хусниддин Закирханович
Получение качественных отливок для изготовления машиностроительных
деталей на основе 3D печати.....21

Abdurakhmanov Khusniddin Zakirkhanovich
Getting high-quality castings for the manufacture of engineering parts based on 3D
printing.....37

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 41

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.Т.03.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАХМОНОВ ХУСНИДДИН ЗАКИРХАНОВИЧ

**МАШИНАСОЗЛИК ДЕТАЛЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН 3D
АСОСИДА СИФАТЛИ КУЙМАЛАР ОЛИШ**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси
(Қуймачилик ва металларга ишлов бериш йўналиши бўйича)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент- 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Т716 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Тураходжаев Нодир Джахонгирович**
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Абдуллаев Фатхулла Сагдуллаевич**
техника фанлари доктори, профессор

Атажанов Гапур Латипович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Тошкент темир йўл муҳандислари институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.28.02.2018.Т.03.04. рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «06» декабр соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тел./ факс:(99871) 227-10-32, e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (119-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.:(99871) 227-10-32.)

Диссертация автореферати 2019 йил «22» ноябр куни тарқатилди.
(2019 йил «22» ноябрдаги 120 рақамли реестр баённомаси).

К.А.Каримов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Р.У.Шукуров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

Ф.С.Абдуллаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жахонда ноананавий усулда сифатли ва арзон қуйма маҳсулотлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга қуйма маҳсулотлар олишда ресурс тежамкор технологияларни ишлаб чиқиш чиқариш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада дунёнинг қатор мамлакатларининг, жумладан АҚШ, Англия, Германия, Швеция, Россия, Япония, Хитой ва бошқа мамлакатларнинг илмий-тадқиқот марказларида 3D технологиялардан фойдаланиб ресурстежамкорликни таъминлаш асосида сифатли қуйма маҳсулотлар олишда алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жахонда 3D технологиялар ёрдамида қолипсиз қуймалар олиш асосида ресурстежамкорликни таъминлаш бўйича кенг кўламда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан 3D технологиялар асосида қуйма маҳсулотларини ишлаб чиқишда йўқотишларнинг асосий манбаси ҳисобланган материалнинг суяқ ҳолатига келтирмайдиган жараённи қўллаш, қуйма ичидаги моделни қолип сифатига салбий таъсир эттирмасдан ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва қуйма юзасининг текислигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга қуйма олишда асосий босқич ҳисобланган қуйма моделини тайёрлашда 3D технологияларини қўллаш усулини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади.

Республикамизда сифатли қуйма маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қуйма маҳсулотлар олишда ресурстежамкор замонавий технологияларни қўллаш кенг йўлга қўйилган бўлиб, 3D технологиялар асосида қолипсиз қуйма маҳсулотларини ишлаб чиқиш асосида ресурс – ва энергиятежамкорлигини таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантири бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»¹ вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан 3D технологиялардан фойдаланиб қуйма маҳсулотларини ишлаб чиқишда ресурс тежамкор технологияни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасчини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 26 декабрдаги ПҚ-2698-сон « 2017-2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг истиқболли

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 24 майдаги Ўзбекистон Миллий университетида таълим ва илм-фан соҳаси вакиллари билан бўлиб ўтган учрашуви 21-сонли мажлис баёни қарорининг 64-банди ижросини таъминлаш ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё таржибасида аддитив технологиялар асосида қуйма маҳсулотлар ишлаб чиқиш ва бу технологияларни амалга ошириш учун қурилмаларнинг қатор конструкциялари яратилган. Қуйиш жараёнида металл йўқотишларини камайтириш учун 3D принтерларнинг конструкциялари ва қурилмалари такомиллаштирилган.

Дунёнинг етакчи олимлари, жумладан Япония олими доктор Хидео Кодама фотополимерлар ёрдамида тезкор нусхалаш тизимини яратган, Техасс университети ва Массачусетс технология институти олимлари Чарльз Халл, Карл Декард ва Скотт Крамп томонидан маҳсулот ишлаб чиқаришнинг стереолитография усули ишлаб чиқилган. Шу усул сабабли 3D-принтерда лойиҳаларни сонли тасвирини яратиш имкони пайдо бўлган ва фотополимер (SLA)нинг лазер стереолитографиясини олиш технологияси ишлаб чиқишган. 3D босманинг оммалашшига ўз деталларини ўзи ишлаб чиқарадиган 3D-принтер яратиш учун доктор Адриан Боуэр томонидан ишга туширилган RepRap лойиҳаси сабабчи бўлган. Канадалик муҳандис Джим Кор 2010 йили бутун корпуси 3D-принтери ёрдамида ясалган Urbee енгил автомобилни намойиш қилган. Буюк Британия олимлари биринчи бўлиб исталган шаклдаги шоколадни ёки оддий шоколад плиткани тайёрлайдиган 3D-принтерини ишлаб чиқишган. Италия олими робототехник Энрико Дини хоналари, зинапоялари, қувур ва тўсиқлари мавжуд бўлган D-Shape принтерини яратган. Бунда у фақат кум ва неорганическ компаунд қўллаган. Олимлар олинган материал мустахкамлигини темирбетон мустахкамлиги билан рақобатбардош эканини эътироф этишган. Германия олимлари Karel Haunz ва Martin Kaz полимер қуқунларини селектив лазер ёрдамида бириктириш технологиясини ишлаб чиқишган.

МДХ олимлари Ю.П.Купряков, В.С.Чахотин, Ю.И.Приходьколар томонидан сарф материални узатиш тезлигининг юқорироқ даражасини таъминлайдиган 3D-принтерининг конструкциясини такомиллаштирилган. Ўзбекистон тадқиқотчилари Н.Д.Тураходжаев, Б.Тухтамуродов, А.Жуманиёзов, Б.Неъматов ва Ж.Ташпулатовлар полимер асосида қуйма маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун 3D-принтерининг UZDELTA

конструкциясини ишлаб чиқишган. Бунда қуйиш ҳисобига бўладиган йўқотишларни камайтириш учун қаватларни ётқизишда материалнинг суюқлантириш режими такомиллаштирилган.

Аддитив технологиялар асосида қўйма маҳсулотлар олишда эришилган ютуқларга қарамай ечимини топмаган муаммолар кўп. Масалан, материал сарфини 1,2-1,3 мартага камайтириш имконини берадиган 3D босма ёрдамида қўмакорлик моделлари ёрдамида қўймалар олиш технологияси ишлаб чиқилмаган. Олиб борилган тадқиқотлар асосан ананавий эритиш агрегатлари билан боғлиқ бўлиб, қум-гилли ва кокилли қолипларга қуйиш асосида олиб борилган. Асосий тадқиқотлар металл ва қолип ўртасидаги физик-кимёвий жараёнлар устида олиб борилган, металлнинг қолипдаги кристалланиш жараёнлари ўрганилган. Аддитив технологияларнинг, жумладан модел ва қолип тайёрлашдаги 3D босманинг имкониятлари ўрганилмаган. Қўйма маҳсулотларни олишда 3D босма жараёнини моделлаштириш тадқиқотлари ўтказилмаган, ҳамда қўйма олишда металл йўқотишларини эътиборга олишда долзарб ваъилмий-амалий масала ҳисобланган ишлаб чиқиладиган қўйма маҳсулотнинг сифатига 3D қолипнинг таъсири ўрганилмаган.

Юқорида келтирилган муаммолар ечимини топиш учун таъминлайдиган 3D босма асосида қўйма маҳсулотларини ишлаб чиқиш технологиясини ишлаб чиқиш, қуйиш микдорини камайишига хизмат қиладиган материални қиздириш ва қаватли ётқизиш режимини такомиллаштириш учун тадқиқотлар ўтказиш зарур.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетида илмий-тадқиқот ишлари режасига биноан №СФ-2 2017 йилнинг 28 ноябридаги «Разработка технологии получения литых заготовок методом 3D печати» (2017–2018 йй.) мавзусидаги хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 3D асосида сифатли қўйма маҳсулотларни олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қўйма сифатига модел материални ётқизишнинг ҳарорат режимини таъсири даражасини аниқлаш;

Қўйма сифатига қўмакорлик модел материали таркибининг таъсирини аниқлаш;

Олинаётган қўйма сифатига модел геометрик ўлчамларининг таъсири даражасини аниқлаш;

3D технологияси асосида қўйма маҳсулотлар олишда ресурстежамкорликни таъминлайдиган технологияни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 3D технологияси асосида олинган қўмакорлик модели ва пўлатдан қўйма маҳсулотлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида 3D технологияси асосида олинган қўмакорлик моделини тайёрлаш, унга ишлов беришнинг қўйма сифатига

таъсирини тадқиқ қилиш, моделни ва қўймани қолипдан ажратиб олиш технологиялари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қотишмалардаги кимёвий элементларнинг таркибий миқдорини ва қотишма структурасини ўрағнишда аттестацияланган кимёвий усул ва спектрал Shimadzu русумидаги Рентгенографик анализатор, Metrohm 850 Professional IC русумидаги ионн хроматограф, (SEM-EDX) маркали Zeiss EVO MA 10/AztecEnergyAdvanced X-Act Сканирловчи электрон микроскоплари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қўймакорлик маҳсулотларини олишда 3D босма ёрдамида тайёрланган моделдан қўллаш технологияси ишлаб чиқилган;

3D технология асосида маҳсулот ишлаб чиқаришда тезлик ва экструдер диаметри ўртасидаги боғлиқлик графиги ишлаб чиқилган;

3D технология асосида маҳсулот ишлаб чиқаришда сарф материали хоссалари ва экструдер диаметри ўртасидаги боғлиқлик графиги ишлаб чиқилган;

машинасозлик деталларини ишлаб чиқишда бир марталик қолипни тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилган;

қўймакорлик моделини қўймакорлик қолипдан нуқсонсиз ажратиб олиш режими ишлаб чиқилган;

3D технология асосида олинган модели бир марталик қўймакорлик қолипларга суюқ металл қуйиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Ишлаб чиқилган машинасозлик деталларини тайёрлаш учун 3D асосида сифатли қўймалар олиш технологиясини қўллаш қуйидаги имкониятларни яратади:

машинасозлик деталларини ишлаб чиқишда бир марталик 3D қолипни қўллашда ресурстежамкорликни таъминланиши;

қўймакорлик моделини қўймакорлик қолипдан ажратиб олишда нуқсонларнинг миқдорининг 12-14% га камайиши;

3D технология асосида олинган модели бир марталик қўймакорлик қолипларга суюқ металл қуйишда қўйманинг механик хоссаларининг ортиши.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги аниқ қўйилган вазифа асосида олинган, машинасозлик деталларини тайёрлаш учун 3D асосида сифатли қўймалар олишда экспериментал тадқиқотларнинг кўплиги ва олинган натижаларнинг математик моделлаштириш асосида қайта ишлов берилиши, замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш асосида аниқланган физик-механик ва эксплуатацион хоссаларининг кўрсаткичлари, ҳамда физик-математик формуллари ёрдамида ҳисобланган натижалар билан таққослаш орқали изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти машинасозлик деталларини тайёрлаш учун 3D асосида сифатли қўймалар олишда экструдер ишлаш режимларининг материални қиздириш ҳарорати ва диаметрига боғлиқлик

даражаларини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти машинасозлик деталларини тайёрлаш учун 3D асосида сифатли куймалар олиш даврида ресурс тежамкорлигини таъминлайдиган технологиянинг ва шу технологияни амалга оширилишини таъминлайдиган режимни қўллашда ресурстежамкорлигининг 8-10 % га ортиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Машинасозлик деталларини тайёрлаш учун 3D асосида сифатли куймалар олиш технологиясини ишлаб чиқиш учун олиб борилган тадқиқотлар бўйича олинган илмий натижалар асосида:

куймакорлик моделларини 3D босма асосида олиш технологияси “Навоий машинасозлик заводи”га жорий қилинган (“Навоий кон-металлургия комбинати” ДКнинг 2019 йил 9 апрелдаги 02-06-07/4487-сон маълумотномаси). Натижада моделни тайёрлашда унинг геометрик ўлчамларининг аниқлиги 15–20% га ортишининг имкони яратилган;

машинасозлик деталларини ишлаб чиқишда бир марталик қолип тайёрлаш технологияси “Навоий машинасозлик заводи”га жорий қилинган (“Навоий кон-металлургия комбинати” ДКнинг 2019 йил 9 апрелдаги 02-06-07/4487-сон маълумотномаси). Натижада куйма маҳсулотлар олишдаги унумдорлик 10–12% га ортишининг имкони яратилган;

бир марталик қолипдан моделни ажратиб олиш технологияси “Навоий машинасозлик заводи”га жорий қилинган (“Навоий кон-металлургия комбинати” ДКнинг 2019 йил 9 апрелдаги 02-06-07/4487-сон маълумотномаси). Натижада нобоп маҳсулотларнинг миқдорини 8–10% га камайишининг имкони яратилган;

бир марталик қолипга суюқ металлни қуйиш технологияси “Навоий машинасозлик заводи”га жорий қилинган (“Навоий Кон-металлургия комбинати” ДКнинг 2019 йил 9 апрелдаги 02-06-07/4487-сон маълумотномаси). Натижада юза текислигининг ортиши оқибатида маҳсулот сифати 10–15% га ортишининг имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг тадқиқот натижалари 16 та, жумладан 9 та халқаро ва 7 та Халқаро ва Республика илмий-амалий анжуманларида ва симпозиумларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 9 та мақола, жумладан 7 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва асосий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**3D босма усулида қўймалар олишнинг ҳозирги кундаги ҳолатининг тахлили**» деб номланган биринчи бобида 3D босма усулида қўймалар олишнинг турлари, қуйиш жараёнида металл йўқотишларини камайтириш учун 3D принтерларининг конструкциялари ва қурилмалари келтирилган.

Ҳозирги кунда турли давлатларнинг корпорациялари, фирма ва ташкилотлари томонидан ишлаб чиқарилган технологиялар асосида 3D-принтерларининг конструкциялари такомиллаштириб борилган, жумладан Япония олими доктор Хидео Кодама фотополимерлар ёрдамида тезкор нусхалаш тизимини яратган, Техасс университети ва Массачусетс технология институти олимлари Чарльз Халл, Карл Декард ва Скотт Крамп томонидан махсулот ишлаб чиқаришнинг стереолитография усули ишлаб чиқилган. Шу усул сабабли 3D-принтерда лойиҳаларни сонли тасвирини яратиш имкони пайдо бўлган ва фотополимер (SLA)нинг лазер стереолитографиясини олиш технологияси ишлаб чиқишган. 3D босманинг оммалашшига ўз деталларини ўзи ишлаб чиқарадиган 3D-принтер яратиш учун доктор Адриан Боуэр томонидан ишга туширилган RepRap лойиҳаси сабабчи бўлган. Канадалик муҳандис Джим Кор 2010 йили бутун корпуси 3D-принтери ёрдамида ясалган Urbee енгил автомобилни намоиш қилган. Буюк Британия олимлари биринчи бўлиб исталган шаклдаги шоколадни ёки оддий шоколад плиткасини тайёрлайдиган 3D-принтерини ишлаб чиқишган. Италия олими робототехник Энрико Дини хоналари, зинапоялари, қувур ва тўсиқлари мавжуд бўлган D-Shape принтерини яратган. Бунда у фақат қум ва неорганическ компаунд қўллаган. Олимлар олинган материал мустаҳкамлигини темирбетон мустаҳкамлиги билан рақобатбардош эканини эътироф этишган. Германия олимлари Karel Haunz ва Martin Kaz полимер қуқунларини селектив лазер ёрдамида бириктириш технологиясини ишлаб чиқишган.

МДХ олимлари Ю.П.Купряков, В.С.Чахотин, Ю.И.Приходьколар томонидан сарф материални узатиш тезлигининг юқорироқ даражасини таъминлайдиган 3D-принтерининг конструкциясини такомиллаштирилган. Ўзбекистон тадқиқотчилари Н.Д.Тураходжаев, Б.Тухтамуродов, А.Жуманиёзов, Б.Неъматов ва Ж.Ташпулатовлар полимер асосида қўйма махсулотлар ишлаб чиқариш учун 3D-принтерининг UZDELTA конструкциясини ишлаб чиқишган. Бунда қуйиш ҳисобига бўладиган

йўқотишларни камайтириш учун қаватларни ётқизишда материалнинг суюқлантириш режими такомиллаштирилган. Таъкидландики, машинасозлик деталларини тайёрлаш учун 3D асосида сифатли куймалар олиш технологиясини ишлаб чиқиш зарур.

Диссертациянинг «Тадқиқот қилиш методикасини ишлаб чиқиш» деб номланган иккинчи бобида структура аниқлаш ва намуналарни таҳлил қилишнинг электрон микроскоп ёрдамида микроанализнинг рентгенспектрал усули келтирилган (микрорентген спектрал анализи) ва намуналарнинг эҳтиёрий микроскопик ўлчамдаги қисмининг кимёвий таркибини аниқлаш усули келтирилган.

Усулнинг моҳияти шундаки, растрли ёки нурланадиган электрон микроскоп вакуум камерасига намуна жойлаштирилади ва юқори энергияли фокусланган электрон тўплам ёрдамида нурлантирилади. Электронлар тўплами одатда бир неча микрондан кичикроқ чуқурликдаги юза билан ўзаро таъсирланади. Ўзаро таъсирланиш худудининг хажми тезланувчи кучланиш ва намуна материалининг зичлигига боғлиқ равишда ҳамда катта мишен учун ўнлар улушидан ўн куб микронгача бўлади. Рентген нурланишининг генерацияси электрон ва намуна ўртасидаги нобикир ўзаро таъсирланиши натижаси ҳисобланади. Рентген нурланиши иккита асосий жараён натижасида ҳосил бўлади: характерли нурланиш эмиссияси ва фон эмиссияси ёки тормоз нурланиши.

Юқори энергия электрони атом билан таъсирланиб ички электрон қобикдан бир электронни уриб чиқариши мумкин. Натижада, атом ионлашган ёки қобикдаги вакансияли жунбуш ҳолатига келади. Ташқи қобикдаги бирон электрон ушбу вакансияни тўлдирса нормал ҳолат юзага келади, бу эса унинг энергиясининг ўзгариши билан кузатилади, ўзгариш қиймати эса хар бир кимёвий элемент учун ўзига хос электрон атоми структураси асосида аниқланади. Бу “характерли” энергия икки усул билан атомдан чиқиши мумкин. Бири бу-характерли энергияли рентген фотони эмиссияси, яъни маълум элемент учун ва демак хар бир ўтишнинг специфик кўриниши. Иккинчиси-Оже электронларини озод қилиниши.

Рентген нурланиши фони фотон эмиссияси, атомнинг электр майдонида тормозланишни хис қилганда сезилади. Мишеннинг атомлари билан таъсирланган электронлар ўзининг энергиясининг турли миқдрини йўқотади. Узлуксиз тақсимоти нолдан электрон зондининг тезлаштирилган кучланишигача бўлган бундай фотонлар энергияси, яъни шу даврда чиқарилаётган спектр узлуксиз характерга эга. Фотонлар энергиясининг нурланишининг максимал қиймати атом майдони билан таъсирланишда энергиясини тўлиқ йўқотган электрон тўпламининг энергиясига тенг. Бу энергиянинг қиймати “Дуан-Ханта чегараси” дейилади. Агар намуна юза зарядига эга бўлмаса, Дуан-Ханта чегараси тушаётган тўплам энергиясига тенг бўлади. Рентген фотонлари ҳам заррачалар, ҳам тўлқин хоссаларига эга, шунинг учун уларнинг хоссаларини терминларда энергия ёки тўлқин сифатида қўлласа бўлади. Рентгеноспектрал таҳлил учун энергодисперс

спектрометр (ЭДС) қўлланилди, бу фотонларни энергияси бўйича саралайди, ҳамда тўлқин узунлиги бўйича рентген нурланишини саралайдиган тўлқин дисперс спектрометр (ВДС) қўлланилди.

Даврий системанинг деярли барча элементларининг концентрациясини кенг диапазонда аниқлайдиган, ҳамда турли намуналардаги элементларнинг изотоп муносабатларини аниқлайдиган iCAP-Q – квадрупол ИСП-МС қўлланилди.

Диссертациянинг «**3D босма асосида қўйма махсулотлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш**» деб номланган учинчи боби 3D босма усулида қўймалар олишда ресурстежамкорликни таъминлайдиган технологияни ишлаб чиқишга бағишланган.

3D асосида қўйма махсулотлар ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарасини аниқлаш учун харажатларни олинаётган самарага нисбати ўрганилди. Тошкент давлат техника университети «Қўймакорлик технологиялари» кафедраси лаборатория шароитида ва Ўзбекистон -Япония ёшлар инновацион марказининг «Машинасозлик ва материалшунослик» лабораторияси шароитида қўйма махсулотларни олишда газланувчи моделдан фойдаланиш тадқиқоти олиб борилди. Бунинг учун FDM — оқим технологияли 3D принтердан фойдаланилди. Ушбу технологиядан фойдаланишда принтернинг ишлаши бевосита экструдерга ўрнатилган ғалтакли пластик орқали амалга оширилди. Бу конструкциянинг асосий ишлаш принципи пластик симини эритиш, шу симни суяқ ҳолатга келтириш ва берилган параметрлар асосида тагликка материални ётқизишдан иборат.

Бирламчи тадқиқот учун CubeX русумидаги принтердан фойдаланилди, иккинчи босқичда эса CubeXDuo русумидаги принтердан фойдаланилди. Сарф материали сифатида қўйидаги материаллардан фойдаланилди:

- ABS — рангсиз зарбга чидамли материал, оддий прототипларни босма қилишда ишлатилади. Бу материал ишлов беришга мойил, ацетов буғида яхши жилвирланади.

- PLA — паст эриш ҳароратига эга бўлган босма пайтида шаклни яхши сақлайдиган органик пластик.

3D усулда қўйма модели тайёрланди, бу модел кум-гил аралашмали бир марталик қолипга қолипланди. Суяқ қотишма ажралмас қолипга моделни чиқармасдан қуйилди. Қолипдан ажратиб олиш дастаки усулда амалга оширилди. Қўйма сифатини кўзда чамалаб ва асосий геометрик ўлчамларини ўлчам асосида амалга оширилди. Биринчи усулда, яъни суяқ метални ичида модел мавжуд бўлган қолипга қуйилганида 10 та қўйманинг 8 таси тўлиқсиз қуйилиш асосидаги нуқсонли бўлди. Қолган 10 тадан 2 таси кўп микддордаги нометал кўшимчаларга эга бўлди. Олинган қўйма махсулот модел шаклини тўлиқ эгаллаганига қарамай механик хоссаларининг паст кўрсаткичларига эга бўлди. Бу полимердан тайёрланган моделнинг ёнишидан ҳосил бўлган газлар ҳисобига бўлиши эҳтимоли мавжуд [3]. Қуйиш тизими ва қўшимча тирқишларнинг мавжудлиги кутилаётган самарани бермади.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида принтер ёрдамида тайёрланган модел

қолип материали билан қопланиб, сўнгра ундан қиздириш печида модел куйдириб чиқарилди. Куйдириш даврида ёниш газлари ажралиб чиқишини нейтраллаш керак бўлди. Қолип ичи ёниш махсулотларини кули билан ифлосланишининг хавфи мавжуд бўлгани сабабли, қолип тайёрлаш учун материални танлашда кам кулли материал эътиборга олинди. 1-жадвалда 3D босмани қўллаш асосида тайёрланган моделнинг қўлланилиш самарадорлигини аниқлаш тадқиқотларининг натижалари келтирилган. Таъкидлаш лозимки, қиздириш печида ишлов берилганида қолипнинг ўзининг мустаҳкамлигига таъсир қилди. Масалан, печ ичида қолипни 1 соат давомида моделни куйдириб олиш жараёни давом этганида кум-гилли қолипнинг мустаҳкамлиги 10-12 % га ошди, печ ичида 2 соат давомида ушлаб турилганида эса қолипнинг мустаҳкамлиги 30-35 % га ошди. Бу қолип ашёси юзасининг пиширилиши ва ички юзасида қоплама қават ҳосил бўлиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ҳосил бўлган қоплама иккиламчи самара беради. Бир томондан у қолипнинг юза текислигини таъминлайди, иккинчи томондан қолипга суюқ метал қуйилганида бу қоплама кимёвий реакцияга киришиб, қуймани нометал қўшимчалар билан ифлослайди. 2-жадвалда қуйма юзаси устида олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.


1-жадвал

3D босма асосида тайёрланган модел ёрдамида қуймалар ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлаш тадқиқот натижалари

№	Модел тайёрлаш усули	Модел учун хом ашё	1000 см ³ хажмдаги модел тайёрлаш учун сарфланадиган вақт (соатда)	Изоҳ
1	Ананавий усул (дастаки)	Гипс	8	Промодел тайёрлашга эҳтиёж мавжуд
2	Ананавий усул (автоматлаштирилган)	Ёғоч	3	Қўшимча жилвирлашга эҳтиёж мавжуд
3	3D босма	ABS	2	Габарит ўлчамлар бўйича оғишлар 1,5-2 % ни ташкил этади
4	3D босма	PLA	2	Юқори сифатли қуйма махсулот олинади

Келтирилган натижалардан кўриниб турибдики, 3D босма усулида модел тайёрлаш самарали ҳисобланади. Шу билан бирга 3D босма усулида тайёрланадиган моделар учун PLA материали самарали ҳисобланади.


1-расмда қўйманинг чўзилишдаги мустаҳкамлик чегарасининг моделни қолипдан куйдириб чиқариш ҳароратига боғлиқлик графиги келтирилган.



1-расм. Қўйманинг чўзилишдаги мустаҳкамлик чегарасининг моделни қолипдан куйдириб чиқариш ҳароратига боғлиқлик графиги:

- △ - моделни ацетон билан ишлов бергандан кейинги ҳолати;
- - моделни қум қоғоз билан ишлов берилганидан кейинги ҳолати;
- - моделни қолиплашдан олдин ишлов берилмагани ҳолати.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра моделни қолипдан куйдириб олиш температурасининг ортиб бориши моделга ишлов бериш усулининг чўзилишдаги мустаҳкамлик чегарасига таъсир қилмаслигига сабаб бўларкан. Бунга қолип ичидаги моделнинг 290 °С ҳароратга етганида ишлов бериш усулининг фарқи қолмаслиги асосида, ресурстежамкор технология яратиш имкони туғилади.



2-расм. Қўйманинг зарбий қовушқоқлигининг моделни қолипдан куйдириб чиқариш ҳароратига боғлиқлик графиги:

- △ - моделни ацетон билан ишлов бергандан кейинги ҳолати;
- - моделни қум қоғоз билан ишлов берилганидан кейинги ҳолати;
- - моделни қолиплашдан олдин ишлов берилмагани ҳолати.

2-расмда қўйманинг зарбий қовушқоқлик кўрсаткичининг моделни қолипдан қўйдириб чиқариш ҳароратига боғлиқлик графиги келтирилган. Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра моделни қолипдан қўйдириб олиш температурасининг ортиб бориши моделга ишлов бериш усулининг қўйма зарбий қовушқоқлигига таъсири кам бўларкан. Бунга қолип ичидаги моделнинг 270 °C ҳароратга етганида ишлов бериш усулининг фарқи камайиши асосида, қўйма тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш имкони яратилади.

2-жадвал


Қўйма юзасини тадқиқ қилиш натижалари

№	Қиздириш печида қолипни қиздириш вақти (соат)	Қолипнинг ички юзаси сифати	Қўйма юзасининг сифати	Қўллаш учун тавсиялар
1	1	Қониқарли	Юқори	Тавсия этилади
2	1,5	Қониқарли	Юқори	Тавсия этилади
3	2	Юқори	Паст	Тавсия этилмайди
4	3	Юқори	Қониқарли	Қўймага қўйиладиган талабга мувофиқ тавсия қилинади

Диссертациянинг «Сифатли қўйма маҳсулотлар олиш учун 3D технологияни такомиллаштириш» деб номланган тўртинчи боби 3D асосида сифатли қўймалар олиш учун технологияни такомиллаштиришга бағишланган.


Ишлаб чиқариш унумдорлиги ва маҳсулот таннархини рақобатбардошлиги ишлаб чиқариш корхоналари олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. 3D асосида қўйма маҳсулотлар олишда унумдорликни белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири бу экструдернинг ҳаракат тезлиги ва шу вақт бирлигида ётқизилган материал хажми билан белгиланади. Материалнинг ётқизилиш хажми эса экструдер сопосининг диаметрига боғлиқ. 3D асосида қўйма маҳсулотлар олишда сифатли қўймалар олиш учун технологияни такомиллаштириш тадқиқотлари экструдер диаметрини оптималлашга қаратилди. Ётқизиладиган материалнинг қовушқоқлигига боғлиқ равишда экструдернинг оптимал диаметрини аниқлаш учун модел тайёрлаш учун олинган PLA материални 210-230 °C ораликдаги ҳароратларда қўйилди. Бунда тайёрланаётган моделнинг сифат кўрсаткичларига таркибидаги нометал ва газ қўшимчаларнинг миқдорига боғлиқ равишда ўзгаришини аниқлаш учун сифатнинг Харрингтон миқдор кўрсаткичи киритилди. Харрингтоннинг сифат кўрсаткичига модел

таркибидаги газ ғовакларининг ўртача миқдори, нометал қўшимчаларнинг ўртача миқдори, геометрик ўлчамдан оғишнинг ўртача миқдори қабул қилиб олинган. 3-расмда экструдер диаметрининг ўлчамларига боғлиқ равишда олинаётган ҳар 1000 та моделга тўғри келадиган сифатли маҳсулот миқдорининг ўзгариш графиги келтирилган.



3-расм. Экструдер диаметрининг ўлчамларига боғлиқ равишда олинаётган ҳар 1000 та моделга тўғри келадиган сифатли маҳсулот миқдорининг ўзгариш графиги.

Графикдан кўришиб турибдики, экструдер диаметрининг ортиши сифат кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади. Экструдер диаметрининг 0,9-1 мм гача ортиши, сифатли маҳсулотнинг салмоғини 90 % гача пасайтириб юборади, яъни 10 % га яқин маҳсулот талаб даражасида ишлаб чиқилади. Лекин шу билан бир қаторда иш унумдорлигига диаметрнинг ортиши ижобий таъсир кўрсатади. Ҳар иккала кўрсаткичларни солиштирган ҳолда экструдернинг оптимал диаметрини аниқлаш учун экструдер диаметрининг маҳсулот геометрик ўлчамларининг берилган ўлчамларга нисбатан оғиш даражасига таъсири ўрганилди. 4-расмда экструдер диаметрининг маҳсулот берилган геометрик ўлчамларидан оғиш даражасига боғлиқлик графиги келтирилган.




4-расм. Экструдер диаметрининг маҳсулот берилган геометрик ўлчамларидан оғиш даражасига боғлиқлик графиги.

Графикдан кўриниб турибдики, геометрик ўлчамларининг берилган ўлчамлардан оғиш даражаси тўғри чизиқли эмас. Экструдер диаметри 0,3 да 0,8 мм бўлган оралиқда бу кўрсаткичлар деярли ўзгармайди. Бунга сабаб экструдер диаметри 0,3 мм дан 0.8 мм гача бўлган оралиқда материалнинг суюқланиши ва соплодан чиқарилиши орасидаги мутаносиблик деярли бир хил эканида бўлиши мумкин. Диаметр 0,8 дан ортганда бу мутаносиблик бузилиб, материалнинг қизиш ҳарорати ётқизиладиган қатлам тезлигига мос келмаслиги ва оқибатда ашё етарли суюқланмасдан, таркибида бир хиллик бўлмаслиги сабабли юзага келиши эҳтимоли мавжуд. Экструдер диаметрининг ўлчамларини оптималлаш учун иккала график кўрсаткичларини таққослаб қуйидаги хулосани қиламиз – қуймакорлик моделларини тайёрлашда сифатли махсулот олиш ва иш унумдорлигини таъминлаш учун экструдер диаметрини 0,55-0,65 мм оралиғида танлаб олиш афзал ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш шароитида 3D асосида олинган моделни қўллаган ҳолда ишлаб чиқилган қуйма махсулотларининг сифатини тадқиқ қилиш мақсадида икки хил пўлат ва чўян шихталаридан фойдаланилди. Олинган қуймаларнинг структураси ўрганилганда пўлат таркибида модел материалининг қолдик излари ва иссиқлик алмашинувининг ўзгариши ҳисобига қуйма юзасида ҳосил бўлган нотекисликлар бўлиши кузатилган.


5- расмда пўлат қуймасининг юзасида ҳосил бўлган нотекисликларнинг изи келтирилган. Бунда 23 – ва 24- спектрлардан кимёвий таркиб олинган бўлиб, қуйма юзасининг сифати ўзаро мутаносиб экани аниқланган.




5- расм. Пўлат қуймасининг юзасида ҳосил бўлган нотекисликлар.

Моделни қолип ичидан ажратмаган ҳолда метал қуйиш натижасида қуйма махсулотлари олишда қуйма юзасида газ пуфакчалари ҳосил бўлиши кузатилди. 6-расмда қуйма деталининг юзасида ҳосил бўладиган газ ғоваклари келтирилган бўлиб, газ пуфакчаларининг ёрилмаган қисмларида

қабарикликлар кузатилади. Лекин бу нуқсонлар бир марталик қолиплардан қуйма махсулотлар олишдаги нуқсонларга нисбатан 20-25 % га кам экани кузатилди. Бу модел материални ёниш натижасида ажралган ёниш махсулотларининг метал таркибига сингиши натижасида келиб чиқиш эҳтимоли мавжудлигидандир. 7- расмда пўлат қуймасининг моделга ишлов берилганидан кейинги ҳолатдаги структураси келтирилган бўлиб, ушбу ишлов берилганидан кейинги юзасидаги нотекисликларни камайгани кузатилади.



6-расм. Қуйма деталининг юзасида ҳосил бўладиган газ ғоваклари.



7- расм. Пўлат қуймасининг моделга ишлов берилганидан кейинги ҳолатдаги структураси.

5. Қуймакорлик моделини қуймакорлик қолипдан нуқсонсиз ажратиб олиш режими ишлаб чиқилди. Бу ишлаб чиқиладиган қуймалардаги нуқсонларни камайтириш ҳисобига маҳсулот таннархини камайтиришга хизмат қилади.

6. 3D технология асосида олинган модели бир марталик қуймакорлик қолипларга суюқ металл қуйиш технологияси ишлаб чиқилди. Бу қуйма маҳсулотларини олишда суюқ металлнинг соғиб қолиши оқибатидаги энергия сарфини камайтириш учун хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.02.2018.Т.03.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ И НАЦИОНАЛЬНОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

АБДУРАХМОНОВ ХУСНИДДИН ЗАКИРХАНОВИЧ

**ПОЛУЧЕНИЕ КАЧЕСТВЕННЫХ ОТЛИВОК ДЛЯ ИЗГОТОВЛЕНИЯ
МАШИНОСТРОИТЕЛЬНЫХ ДЕТАЛЕЙ НА ОСНОВЕ 3Д ПЕЧАТИ**

**05.02.01 – Материаловедение в машиностроении. Литейное производство.
Термическая обработка и обработка металлов давлением. Металлургия чёрных,
цветных и редких металлов (Литейное производство и обработка металлов)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент- 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2018.4.PhD/Т716.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице (www.tdtu.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Тураходжаев Нодир Джахонгирович**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Абдуллаев Фатхулла Сагдуллаевич**
доктор технических наук, профессор

Атажанов Гапур Латипович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: **Ташкентский институт инженеров
железнодорожного транспорта**

Защита диссертации состоится «06» декабря 2019 года в 13⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.28.02.2018.Т.03.04. при Ташкентском государственном техническом университете и Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100095, г.Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел./ факс:(99871)227-10-32, e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрирована за № 119). (Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.:(99871-227-10-32.)

Автореферат диссертации разослан «22» ноября 2019 года.
(реестр протокола рассылки № 120 от «22» ноября 2019 года).

К.А.Каримов

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Р.У.Шукуров

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Ф.С.Абдуллаев

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии по техническим наукам (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире на сегодняшний день разработка технологий по ресурсо-и энергосбережению является актуальной задачей. Этот вопрос актуален не только с экономической точки зрения, но и с экологической стороной. В связи с этим обеспечение ресурсосбережения, в частности при изготовлении литых заготовок, которые связаны с большими потерями металла и энергоресурсов, является одной из важных задач. В этом направлении во многих развитых странах мира, включая Японию, США, Англию, Германию, Швецию и Россию уделяется особое внимание снижению потерь ресурсов и энергии при изготовлении литых заготовок методом 3D печати.

Во всем мире проводятся целевые научно-исследовательские работы по созданию научных основ усовершенствования технологий получения литых заготовок, разработке аддитивных технологий получения малоотходных литых моделей и форм. В этом направлении приобретает особое значение проведение научных исследований как обеспечение эффективной технологии получения послойной отливки методом 3D печати, обеспечение ресурсосбережения и уменьшение выбросов в атмосферу.

В Республике Узбекистан ведутся работы по усовершенствованию технологии получения литых заготовок, позволяющих снизить потери металла и сплавов, обеспечив тем самым ресурсосбережение, а также по разработке новых конструкций для аддитивных 3D технологий, с целью повышения конкурентоспособности выпускаемой продукции. В том числе, проводятся объемные исследования как повышение эффективности получения литых заготовок, применение новых 3D технологий с применением различного расходного материала. Ввиду этого, необходимо повысить приоритет проводимых научно-исследовательских работ по усовершенствованию технологий получения литых заготовок, повышению ресурсосбережения металла и снижению энергетических затрат.

В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены задачи, включая «... укрепление макроэкономической стабильности и сохранение высоких темпов роста экономики, повышение ее конкурентоспособности, ... сокращение энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкое внедрение в производство ресурсо-и энергосберегающих технологий»¹. Для выполнения данных задач, в частности для обеспечения ресурсосбережения при получении литых заготовок, первоначально важной задачей считается разработка новой технологии получения литья с применением 3D печати и конструкции 3D принтеров, позволяющей использовать эту технологию.

¹ №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлениях № ПП-2698 от 26 декабря 2016 года «О мерах по дальнейшей реализации перспективных проектов локализации производства готовых видов продукции, комплектующих изделий и материалов на 2017-2019 годы», № ПП-3117 от 7 июля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию научно-технической базы в сфере сельскохозяйственного машиностроения», № ПП-3682 от 27 апреля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов», Выступление Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева от 24 мая 2019 года в Национальном университете Узбекистана с представителями науки и образования протокол № 21 пункт 64, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.

Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. Ведущие учёные мира разработали различные технологии получения литых заготовок с применением аддитивных технологий и конструкции устройств для осуществления разработанных технологий. Для снижения потерь металла в процессе литья, были разработаны ряд конструкций 3D принтеров и устройств 3D печати.

Учёным Японии разработана система быстрого прототипирования с использованием фотополимеров (доктор Хидео Кодама), учёными Техасского университета и Массачусетского технологического института был разработан метод стереолитографии (Чарльз Халл, Карл Декард, Скотт Крамп). Благодаря этой технологии появилась возможность производить на 3D-принтерах объекты по цифровым проектам (изображениям), была усовершенствована технология лазерной стереолитографии из фотополимеров (SLA). Важнейшей инициативой с точки зрения демократизации 3D-печати стал запущенный доктором Адрианом Боуэром проект RepRap, идея которого – создать 3D-принтер, производящий собственные детали. В 2010 году канадский инженер Джим Кор официально представил легковой автомобиль Urbee, корпус которого полностью выполнен на 3D-принтере. Учёные из Великобритании первыми показали 3D-принтер, на котором можно было напечатать любую фигурку из шоколада или простую шоколадную плитку. Ученый Италии робототехник Энрико Дини создал принтер D-Shape, который может напечатать макет двухэтажного здания, включая комнаты, лестницы, трубы и перегородки. Он использует только песок и неорганический компаунд. Прочность

полученного материала ученые сопоставляют с железобетоном. Учёные Германии разработали селективное лазерное спекание полимерных порошков (Karel Haynz, Martin Kaz). Учёными стран СНГ проведены исследования ресурсосбережению при изготовлении машиностроительных деталей методом 3D печати (Купряков Ю.П., Чахотин В.С., Приходько Ю.И.). Они усовершенствовали конструкцию 3D принтера обеспечив ускоренную подачу расходного материала.

Исследователи Узбекистана разработали технологию изготовления литых заготовок на основе полимеров методом 3D печати UZDELTA конструкции. Разработаны основы послойного нанесения жидкого расплава для снижения потерь металла (Н.Д.Тураходжаев, Б.Тухтамуродов, А.Жуманиёзов, Б.Неъматов, Ж.Ташпулатов).

Несмотря на большие достижения исследований в области получения отливок аддитивными технологиями, существует немало нерешенных проблем. Например, не разработана технология получения литых заготовок с применением литейной модели, полученной 3D печатью, что снижает расход материала в 1,2-1,3 раза. Все исследования проводились в основном в традиционных плавильных агрегатах, исследования проводились с заливкой песчанной или металлической формы. Основные исследовательские работы проводились над физико-химическими процессами между металлом и формой, исследовались процессы кристаллизации металла в форме. Не были исследованы возможности аддитивных технологий, в частности 3D печати для изготовления литейных моделей и форм. Не проводились исследования по изучению процесса изготовления литых заготовок получаемых методом моделирования процесса 3D печатью, а также не учитывались физико-химические воздействия 3D формы на качество получаемых заготовок, что является актуальной и научно-практической задачей получения литых заготовок при минимальных потерях металла.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения или научно-исследовательскими институтами, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планами научно-исследовательских работ Ташкентского государственного технического университета в рамках проектов по темам №СФ-2 от 28 ноября 2017 года «Разработка технологии получения литых заготовок методом 3D печати» (2017–2018 гг.).

Цель исследования состоит в разработке технологии получения качественных литых заготовок на основе 3D печати.

